

15-Мавзу:2-маъруза: СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

- 1. Сув фонди ерларини бошқариш**
- 2. Суғориладиган ерларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг ўзига хос хусусиятлари.**

Маърузанинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар). Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..2.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда кайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>2.3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони 101 нафар	15-мавзу. 2-маъруза. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси	1. Сув фонди ерларини бошқариш 2. Сув фонди ерлари ҳукукий ҳолатидаги хусусиятлар.
Машғулотнинг мақсади: Сув фонди ерларини бошқариш тўғрисида умумий тасаввур хосил қилиш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
-Сув фонди ерларини бошқариш тўғрисида умумий тушунчаларни беради; - Сув фонди ерлари ҳукукий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида маълумотлар беради;	-Сув фонди ерларини бошқариш тўғрисида умумий тушунчага эга бўлади; -Сув фонди ерлари ҳукукий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тушунчага эга бўлади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, ақлий ҳужум
Ўқитиш воситалари	Доска, таркатма материаллар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт шароити	Проектор ва компьютер билан жихозланган ўқув хонаси

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
2. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
3. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
4. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
5. Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
6. М. Mirzaabdullaeva, А. Muqimov, Z. Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.-Т.:ТІМІ,2016.- 196 б
7. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
8. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (10-БОБ), Ўзбекистон, Т.:1998
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”. Т.: Ўзбекистон, 1993 (19 боб 119 моода)

Интернет ва Зиёнет сайтлари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Сув фонди
ерлари
тушунчаси
нимани
англатади?

1. Ер кодексининг 2-боб 8-моддаси 7-хатбошига кўра «**сув фонди ерлари - сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг киргоклари бўйлаб ажратилган минтакадаги ерлар ҳисобланади**».

2. Ер кодексининг 10-боб 77-моддаси 1-хатбошига кўра «**Сув хавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув хавзаларининг ва бошқа сув объектларининг киргоклари бўйлаб ажратилган минтакадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради**».

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мамлакатимиз ер фонди тизимида сув фонди ерлари мустақил тоифани ташкил этади. Бу тоифа ерлари ўз ҳажмга кўра **833.6 минг га** ни ёки **1.86 %**ни ташкил этади.

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати қайси ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида белгиланган. Бу қонунлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларини, Ер кодексини кўрсатиш мумкин. Ушбу қонунларда сув фонди ерларининг тушунчаси, улардан фойдаланиш ва муҳофаза этиш тартиби ҳамда шартлари белгиланган. **Чунончи, Ер кодексининг 77-моддасида** кўрсатилишича, сув фонди ерларига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТИФЛАРИ БЎЙИЧА ТАКСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

Т/р	Ер фондининг тифлари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2016 й.	01.01. 2017 й.	01.01. 2016 й.	01.01. 2017 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388.8	20174.0	45,42	44.94
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	220.8	0,49	0.49
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	906,6	905.3	2,03	2.02
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	704.3	0,17	1.57
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	13,7	14.1	0,03	0.03
6	Ўрмон фонди ерлари	9773.0	11191.9	21,77	24.93
7	Сув фонди ерлари	833.3	833.6	1,85	1.86
8	Заҳира ерлар	12678.8	10848.4	28,24	24.16
	Жами ерлар:	44892,4	44892,4	100.0	100.0

**Амалдаги
қонунчилик
ҳужжатларига
кўра сув фонди
ерлари таркиби**

1-қисм

2-қисм

3-қисм

**ЯГОНА СУВ
ФОНДИ
ТУШУНЧАСИ
НИМАНИ
АНГЛАТАДИ
ВА У ҚАНДАЙ
ТАШКИЛ
ТОПАДИ?**

**жилғалар, сойлар, дарёлар, сув
омборлари, кўллар,
денгизлардан, каналлар,
коллектор-дренаж тармоқлари,
булоқлар, ҳовузларнинг сувлари
ва бошқа ер усти сувларидан**

ер ости сувларидан

**қор захиралари ва
музликлардан**

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Сувга нисбатан қандай
мулкчилик тури
белгиланган?

Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки —
умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона
фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан
қўриқланади (3-модда)

Ягона сув фонди таркиби
(4-модда)

жилғалар, сойлар,
дарёлар, сув омборлари,
кўллар, денгизлардан,
каналлар, коллектор-
дренаж тармоқлари,
булоқлар, ҳовузларнинг
сувлари ва бошқа ер усти
сувлари

ер ости сувлари

қор захиралари ва
музликлар

**СУВГА ДОИР
МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ
СОҲАСИДАГИ
ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА
ОРГАНЛАР ТАРКИБИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий
мажлиси (5-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси (6-модда)**

**Маҳаллий давлат ҳокимият
органлари (7-модда)**

**Сувдан фойдаланиш
соҳасида давлат
бошқаруви қайси
органларга берилган?**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасига**

**маҳаллий давлат ҳокимияти
органларига**

**сувдан фойдаланишни бевосита ёки
ҳавза (худудий) бошқармалари
орқали тартибга солувчи махсус
ваколатли давлат бошқаруви
органларига**

**сувдан фойдаланишни бевосита ёки
ҳавза (худудий) бошқармалари орқали
тартибга солувчи махсус ваколатли
давлат бошқаруви органлари
(9-модда)**

**маҳаллий
давлат
ҳокимият
и
органлар
и**

**Табиа
тни
муҳоф
аза
қилиш
давлат
қўмит
аси**

**Вазирлар
Маҳкамаси
хузуридаги Ер
қаърини геологик
ўрганиш, саноатда,
кончиликда ва
коммунал-маиший
секторда
ишларнинг беҳатар
олиб борилишини
назорат қилиш
давлат
инспекцияси**

**Соғли
қни
сақла
ш
вазир
лиги**

**Қиш
лоқ
ва
сув
хўжа
лиги
вазир
лиги**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга
доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги
ваколатлари**

5-модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:

сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасарруфига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги
ваколатлари**

6-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қўйидагилар киради, чунончи:

сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув фондини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув объектидан сув олиш лимитларини (бундан буён матнда сув олиш лимитлари деб юритилади) тасдиқлаш тартибини белгилаш;

сувларнинг давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш;

йирик авариялар, фалокатлар, экология танглиги ва сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булғатганлик ва қуришиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;

давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

7-модда

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:

- ўз ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;
- сув объектлари ҳолатини ҳисобга олиб бориш ва уларга баҳо бериш, сувлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилиниши, белгиланган сув олиш лимитларига риоя этилиши, сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳисобини юритишлари устидан назорат қилиб бориш;
- сув объектларини сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, сувларнинг зарарли таъсир кўрсатишини, шунингдек булғанишини олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда авариялар, тошқин, сел ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тиклаш юзасидан тадбирлар ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ҚАЙСИ ТАШКИЛОТГА БЕРИЛГАН?

8-модда

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ҚАЙСИ ТАШКИЛОТГА БЕРИЛГАН?

9-модда

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибга барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажаришларини таъминлашдир.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар. Сувдан фойдаланиш устидан идоравий назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси органлари амалга оширадилар.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” қонуннинг 49-моддасида суғориладиган ерларда сувдан фойдаланишнинг хусусиятлари белгилаб берилган

Сувдан фойдаланувчилар (сув истеъмолчилари) бир вақтнинг ўзида ердан фойдаланувчилар ҳам ҳисобланадилар

Ушбу тоифа ерлари каналлар, зах қочириш тармоқлари ва мураккаб муҳандислик тизими билан жихозланган

Суғориладиган ерлардаги контурларда жойлашган сув фонди ерлари, хўжаликлараро каналлар ердан фойдаланиш шаклидан қатъий назар яхлит сув хўжалиги тизими сифатида эксплуатация қилинади, давлат мулки ҳисобланади ва хусусийлаштирилмайди

Дарёлар, магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув завзаларининг қирғоқбўйи минтақалари ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан сув хавзаларини муҳофаза қилиш мақсадида тегишли давлат ҳокимият органларининг қарорлари асосида олиб қўйилиши мумкин